



XALQ DEPUTATLARI FARG‘ONA VILOYATI KENGASHI

Q A R O R I

150100, Farg‘ona sh., Alisher Navoiy k., 15-uy, tel: (73) 244-07-35, e-mail: info@ferghana.uz, www.ferghana.uz

20 21-yil 12 - июнь

VI-KK/184 -son

Farg‘ona sh.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6 ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари 2021 йилнинг 1 июлига қадар:

ўзлари қабул қилган норматив тусдаги қарорларини хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижасида аниқланган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини бекор қилиш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда regulation.gov.uz порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказсин;


жамоатчилик муҳокамаси натижаларидан келиб чиқиб, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш чораларини кўрсин.

4. Вилоят ҳокимлиги Матбуот хизмати (Д.Жумабоев) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (Р. Камалов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Х. Бозаров

Халқ депутатлари
Фарғона вилояти Кенгашининг
2021 йил 12 июньдаги VI-КҚ/184 сон
қарорига
ИЛОВА

**Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2012 йил 28 декабрдаги XXI-104-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2013 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида”ги қарори.

2. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2013 йил 19 декабрдаги XVI-75-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2014 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида”ги қарори.

3. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги XXII/61-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2015 йилги асосий кўрсаткичлари ҳақида”ги қарори.

4. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2015 йил 28 декабрдаги V-VII/49-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2016 йилги параметрлари ҳақида”ги қарори.

5. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2016 йил 29 декабрдаги V-XIX/110-сон “Фарғона вилоятининг маҳаллий бюджетининг 2017 йилги параметрлари ҳақида”ги қарори.

6. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабрдаги V-XXVII/155-сон “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2018 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори.